«ТАСДИКЛАЙМАН»
“ Сурхондарё вилоят ХЭТК ” АЖ

Раиси_____________ М.Шамсиддинов

«___»__________ 2022 й

**“Сурхондарё ХЭТК” АЖ нинг 2021 йил якуни буйича молиявий хужалик фаолияти якунлари буйича БМХС (НСБУ) га асосланган ташки аудит утказиш хамда молиявий хисобот МХХС (МСФО) буйича трансформация килиш , МСА буйича аудиторлик хулосасини олиш ва СМК (КПЭ) ни натижаларини тахлил килиш ва текширув утказиш учун ташки аудиторлик ташкилотини танлаш ва хизмат курсатувчи корхонани саралаш буйича**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Термиз шаҳри -2022

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. **"Сурхондарё ХЭТК" АЖ нинг 2021 йил якуни буйича молиявий хужалик фаолияти якунлари буйича БМХС (НСБУ) га асосланган ташки аудит утказиш хамда молиявий хисобот МХХС (МСФО) буйича трансформация килиш , МСА буйича аудиторлик хулосасини олиш ва СМК (КПЭ) ни натижаларини тахлил килиш ва текширув утказиш учун ташки аудиторлик ташкилотини танлаш ва хизмат курсатувчи корхонани саралаш**

1.2. Танловнинг бошланғич қиймати –45 000 000 **сум бир хизмат нархи** (кирк беш миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун .

1.5 Ишларни бошлаш муддати шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

**2.1 " Сурхондарё вилоят ХЭТК " АЖ (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.**

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 160108, Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Термиз шахри, Ат-Термизий кучаси, 10 уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Сурхондарё вилоят ХЭТК " АЖ биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари,машина механизимлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.